

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖАҲОН ДИНЛАРИ ТАРИХИ

мутахассислик фанидан ўқув-услубий қўлланма

“Тошкент ислом университети”
нашриёт-матбаа бирлашмаси
Тошкент – 2007

Ушбу ўқув-услугий қўлланма Тошкент ислом университети «Диншунослик» кафедрасида тузилган.

Унда «Жаҳон динлари тарихи» фанини ўқитишда эътибор берилиши лозим бўлган асосий жиҳат ва йўналишлар кўрсатиб ўтилган. Диний фанлар тизимида «Жаҳон динлари тарихи» фанига муҳим ўрин ажратилган. Ҳозирги замонда халқаро муносабатлар кенгайган сари, динлар орасидаги муаммолар ҳам ижобий ҳал қилинмоқда.

Дунёда кенг тарқалган буддавийлик, христианлик ва ислом динлари билан боғлиқ глобал жараёнларни таҳлилий ўрганиб аниқ хулосалар чиқара оладиган мутахассисларни тайёрлаш учун дарслик ва ўқув-услугий қўлланмаларнинг янги авлодини яратишга эҳтиёж ортиб бормоқда.

Бу ўқув-услугий қўлланма асл диний манбалар ва илмий тадқиқотлардан фойдаланган ҳолда тузилган бўлиб, бутунлай янгича услуб ва мазмуни билан илгари тузилган ўқув-услугий қўлланмалардан ажралиб туради. Шунга кўра, манба ва адабиётлар билан имкон қадар кенгроқ танишиб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, ўқув-услугий қўлланмага фойдаланувчилар учун рус ва ўзбек тилидаги адабиётлар билан ишлаш, мустақил билим олишларида енгилликлар яратиш мақсадида «Қискача русча-ўзбекча атамалар луғати», «Баъзи диний атамаларнинг қискача изоҳли луғати» киритилган.

Тузувчилар: катта ўқитувчи **Э. Ф. Ибрагимов,**
ф.ф.н., Н. С. Азизова

Масъул муҳаррир: т.ф.д., проф. **С. С. Агзамходжаев**

Такризчилар: т.ф.н. **Д. А. Раҳимжонов,**
фал.ф.н. С. С. Абдуллаев

Ушбу ўқув-услугий қўлланма Тошкент ислом университетининг ўқув-услугий кенгаши (2007 йил 4 июндаги 20-сонли баённома) ва Илмий Кенгаши (2007 йил 21 июндаги 10-сонли баённома) томонидан нашрга тавсия этилган.

СЎЗ БОШИ

Мазкур фаннинг мақсади дунёдаги кенг тарқалган буддавийлик, христианлик ва ислом динлари тарихини чуқур ўргатишдан, шунингдек, мустақил мамлакатимизда динга нисбатан муносабатнинг тубдан ўзгарганлиги, диний, хусусан, исломий қадриятларни тиклаш йўлида қилинаётган катта ишлар ҳақида тушунчалар беришни кўзда тутди.

«Жаҳон динлари тарихи» фанининг вазифалари дунё динлари тарихини ўрганиш билан бирга унинг асосларини тушунган ҳолда ҳозирги вақтда дунёда кенг тарқалган диний экстремизм, фундаментализм ва ботил оқимларга қарши туришдир.

Дунёвий давлат ва диннинг ўзаро муносабатлари ҳақида. Ўзбекистон Республикаси «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунининг мазмуни ҳамда шу сингари бошқа масалаларнинг туб моҳиятини тушунтириш асосий вазифадир.

Президентимиз И.А.Каримовнинг «Дин одамзодни ҳеч қачон ёмон йўлга бошламайди. Дин бу дунёнинг ўткинчи эканини, охиратни эслатиб туради, одам боласини хушёр бўлишга, ҳаром йўллардан узоқ юришга, яхши бўлишга, яхши из қолдиришга ундаб туради» - деган сўзининг мазмун-моҳиятини талабаларга тушунтириш, уларнинг динга бўлган муносабатини тўғри шакллантиришга ёрдам беради.

Шу билан бирга, муаллим мамлакатимиз ички ва халқаро ҳаётида содир бўлаётган янгилик, кундалик ўзгариш, воқеа ва ҳодисаларни ўрганиб бориши, дарс мавзуларини ёритиш жараёнида ушбу материаллардан ўз ўрнида фойдаланмоғи лозим.

Ўқув-услубий қўлланмага «Қисқача русча-ўзбекча атамалар луғати», «Баъзи диний атамаларнинг қисқача изоҳли луғати» киритилган бўлиб, фойдаланувчилар рус ва ўзбек тилидаги адабиётлар билан ишлаш, мустақил билим олишларида фойдаланишлари мумкин.

Фан бўйича талабаларнинг билимига, ўқувига ва кўникмаларига ДТС га мувофиқ қўйилган талаблар.

Бакалавр

- дунёвий давлат ва диннинг ўзаро муносабатлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонунининг мазмуни;
- диннинг жамиятга ижтимоий, маънавий ва руҳий таъсири;
- миллий ва жаҳон динлари асослари;
- Жаҳон динлари тарихи;

- мустақил мамлакатимизда динга нисбатан муносабатнинг тубдан ўзгарганлиги, хусусан, ислом дини кадриятларини тиклаш йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатлар ҳақида **тасаввурга эга бўлиши керак;**
- Республикада фаолият кўрсатаётган диний конфессиялар фаолияти билан боғлиқ қонуний асослар;
- Дунёвий давлатда диний бағрикенгликни таъминлаш масалаларида давлатнинг ўрни ҳақидаги назарий билимларни **билиши ва қўллай олиши керак;**
- жаҳон динлари тарихи фанига доир билимларга эга бўлиб, ижтимоий аҳамиятга молик муаммо ва жараёнларни илмий таҳлил қилиш ва шу соҳалардаги илмий услублардан турли профессионал ва ижтимоий фаолиятда фойдаланиш;
- илмий тафаккур ва ҳуқуқий маданият, шунингдек, ёзиш ва оғзаки нутқнинг умумий қоидаларини билиш, таҳлил қилиш ва унинг натижаларини тўғри фойдалаш;
- янги билимларни мустақил тарзда пухта ўзлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;
- мавжуд назарий билимлар, методологик ёндашувлар ҳақида илмий тасаввурларга эга бўлиш, уларга таянган ҳолда фикрлаш малакасини шакллантириш;
- керакли маълумотларни излаб топиш, уларни таҳлил қилиш ва системалаштиришнинг қулай усуллари ва воситаларини аниқлаш;
- турли манбалар орқали тарқатилаётган маълумотларни объектив ва холисона баҳолай олиш, тўғри хулосалар чиқариш ва амалиётда қўллай билиш;
- муаммоларни аниқлаш, берилган топшириқларнинг рационал ечимини топиш бўйича истиқболли ва самарали усуллар билан танишиш, улардан тизимли ва ижодий фойдалана билиш салоҳиятига эга бўлиш;
- анъанавий ҳамда электрон ўқув ва илмий адабиётлар, меъёрий ҳужжатлар билан ишлашни ўрганиш;
- интернет тармоғидан мақсадли фойдаланиш;
- илмий амалий фаолият олиб бориш юзасидан **кўникмаларга эга бўлиши керак.**

Ўқитишнинг компьютер, информацион ва бошқа янги технологияларини қўллаш.

Мазкур фанни ўрганиш ўқитишнинг анъанавий ва илғор услубларини, жумладан, экспресс сўровлар, тест сўровлари, дастурий ўқитиш, давра суҳбатларини ўтказиш, коллоквиумлар, муаммоли ўқитиш, техник воситаларни қўллаш, юридик клиника ва бошқа усуллардан фойдаланиш орқали амалга оширилади.

ЖАҲОН ДИНЛАРИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ

РЕЖА

1. Ўқув предметининг мақсад ва вазифалари.
2. Жаҳон динларига хос бўлган хусусиятлар.
3. Диннинг жамиятдаги ўрни.

Диний фанлар тизимида «Жаҳон динлари тарихи» фанига муҳим ўрин ажратилган. Ҳозирги замонда халқаро муносабатлар кенгайган сари, динлар орасидаги муаммолар ҳам ижобий ҳал қилинмоқда.

Мазкур фаннинг мақсади дунёдаги кенг тарқалган жаҳон динлари тарихини чуқур ўргатишдан, шунингдек, мустақил мамлакатимизда динга нисбатан муносабатнинг тубдан ўзгаргани, диний, хусусан, исломий кадриятларни тиклаш йўлида қилинаётган катта ишлар ҳақида тушунчалар беришни кўзда тутди.

«Жаҳон динлари тарихи» фанининг вазифалари жаҳон динлари тарихини ўрганиш билан бирга унинг асосларини тушунган ҳолда ҳозирги вақтда дунёда кенг тарқалган диний экстремизм, фундаментализм ва ботил оқимларга қарши туришдир.

Дунёвий давлат ва диннинг ўзаро муносабатлари ҳақида. Ўзбекистон Республикаси «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунининг мазмуни ҳамда шу сингари бошқа масалаларнинг туб моҳиятини тушунтириш асосий вазифадир.

Президентимиз И.А.Каримовнинг «Дин одамзодни ҳеч қачон ёмон йўлга бошламайди. Дин бу дунёнинг ўткинчи эканини, охиратни эслатиб туради, одам боласини хушёр бўлишга, ҳаром йўллардан узоқ юришга, яхши бўлишга, яхши из қолдиришга ундаб туради» - деган сўзининг мазмун-моҳиятини талабаларга тушунтириш, уларнинг динга бўлган муносабатини тўғри шакллантиришга ёрдам беради.

Шу билан бирга, тарих фани муаллими мамлакатимиз ички ва халқаро ҳаётида содир бўлаётган янгилик, кундалик ўзгариш, воқеа ва ҳодисаларни ўрганиб бориши, дарс мавзуларини ёритиш жараёнида ушбу материаллардан ўз ўрнида фойдаланмоғи лозим.

Мустақил иш учун:

Жаҳон дини тушунчасининг мазмуни. Ўзбекистон фуқароларида виждон эркинлигини кафолатловчи омиллар. Дунёвий давлат тушунчасининг мазмуни. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари асосланган тамойиллар.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар

1. Жаҳон динлари тарихи фанининг асосий мақсади нимадан иборат?
2. Жаҳон динларининг ўзига хос хусусиятлари.
3. Миллий динларга қандай таъриф бериш мумкин?

Фойдаланиш учун адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. Т.: Ўзбекистон, 1999.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири. Т.: Адолат, 1998.
5. А.Ҳасанов. «Қадимги Арабистон ва илк ислом, жоҳилия асри». «Тошкент ислом университети», 2001 йил.
6. У.Т.Жураев, Й.С.Саиджонов. «Дунё динлари тарихи». «Шарқ» нашриёт–матбаа концернининг бош таҳририяти. Т.: 1998 й.

ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ. ДАВЛАТ ВА ДИНИЙ МУНОСАБАТЛАР

Режа

1. Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуни.
2. Дунёвий давлат тушунчаси.
3. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабати.

Виждон эркинлиги нима? Виждон эркинлиги – бу фуқароларнинг у ёки бу динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида зикр этилганидек «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динига эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди». Динга ишониш ёки ишонмаслик, диндор ёки динсиз бўлиш ҳар кимнинг шахсий иши. Бу қонуний ҳуқуқ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуни билан кафолатланади. Динлар тарихини ўрганишнинг асосий мақсад ва вазифалари. Дин нима ва у қандай пайдо бўлган? Унинг мазмун-моҳияти тўғрисида тушунча бериш. Диннинг ижтимоий-иқтисодий, психологик илдизлари ҳақида билим бериш. Диннинг жамиятда бажарадиган ижтимоий, маънавий, руҳий

вазифаларини тушунтириш. Ибтидоий, миллий ва жаҳон динлари тарихи ҳақида маълумот бериш. Диннинг моҳияти ва унинг жамият тараққиётида тутган ўрни ҳақида тушунча бериш. Жамиятни маънавий камол топтиришда диний кадриятларнинг аҳамиятини ёритиш.

Ҳамюртларимизнинг тасаввуф йўналишидаги буюк хизматлари. Ислом динининг Марказий Осиё халқлари маданиятига таъсири. Мустақил мамлакатимизда динга нисбатан муносабат тубдан ўзгариши, диний, хусусан, исломий кадриятларни тиклаш йўлида олиб борилаётган ишлар.

Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун. Дунёвий давлат ва диннинг ўзаро муносабатлари.

Мустақил иш учун:

Ўзбекистон Республикаси таълим тизими диндан ажратилган. Таълим тизимининг ўқув дастурларига диний фанлар киритилишига йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг дунёвий таълим олиш ҳуқуқи уларнинг динга бўлган муносабатидан қатъи назар таъмин этилади.

Вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, шунингдек, уларнинг ихтиёрига ҳамда ота-оналарига ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитишга йўл қўйилмайди.

Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари руҳонийлар ва ўзларига зарур бўлган диний ходимлар тайёрлаш учун диний ўқув юрти тузишга ҳақли.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар

1. Виждон эркинлиги деганда нима тушунилади?
2. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуннинг мазмун-моҳияти нимадан иборат?
3. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида диний эътиқод эркинлигига қандай муносабат билдирилган?
4. Фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқи қайси ҳолатларда чекланиши мумкин?
5. «Диний ташкилотлар» деганда нималар назарда тутилади?
6. Диннинг жамиятдаги вазифаларини тушунтириб беринг.
7. Конфессиялараро тотувлик борасида давлат томонидан қандай тадбирлар амалга оширилади?

Фойдаланиш учун адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. Т.: Ўзбекистон, 1999.

3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири. Т.: Адолат, 1998.

ХРИСТИАНЛИК ТАРИХИ ВА ТАЪЛИМОТИ

Режа

1. Христианликнинг пайдо бўлиши.
2. Христианликнинг муқаддас китоби.
3. Христианлик таълимотининг мазмуни.

Христианлик милоднинг биринчи асрида пайдо бўлган. Унинг пайдо бўлиши тахминан 2000 йил аввал бошланган. Христианликнинг пайдо бўлиши, Исо Масихнинг тарихий шахс экани, христианлик яҳудийлик фирқаси сифатида, христианликнинг Европада тарқалиши. Қувғинлар. Давлат дини мақоми. Соборлар. Библиянинг қонунлаштирилиши. Черков ва сиёсат. Христианликдаги бўлинишлар. Шарқий черковлар тарихи. Христианликдаги ҳаракатлар. Протестантлик. Фалсафа ва дин. Миссионерлик, ҳозирги замонда христиан жамоалари ва черковлари.

«Библия» - христианликнинг муқаддас китоби. «Библия» сўзининг маъноси, «Эски аҳд» - «Библия»нинг катта қисми, у яҳудийлик дини китоби эканлиги. «Янги аҳд» «Библия»нинг христианлик билан боғлиқ бўлган иккинчи қисми экани, яъни Худонинг Исо пайғамбар воситачилигида одамлар билан янги аҳдлашуви эканлиги ҳақида.

Исо Масих – христиан динига асос солувчи пайғамбарлиги.

Христианлик бўлиниб кетишининг сабаблари. Милоднинг 395-йилида Рим салтанатининг икки қисмга бўлиниши, 476 -йилда ҳарбий Рим салтанатининг қулаши ва инқирози. Бу воқеаларнинг христианликнинг кейинги тақдирига таъсири. Марказлашган ҳокимиятнинг барҳам топиши, Рим черкови бошлиғининг обрўси ошиб, Рим папаси деб ном олиши. Византия империясида черковнинг императорга бўйсундирилиши, натижада Рим черкови Константинопол черковини ўзига бўйсундира олмаганлиги ҳақида. 1054-йилда бу икки черков ўртасида низоларнинг келиб чиқиши. Христианликнинг иккига бўлиниб кетиши. Католик ва Православ йўналишларига бўлиниб кетиши. Католик ва Православ черковларининг пайдо бўлиши.

Мустақил иш учун:

Христианликнинг вужудга келиш шарт-шароитлари. Христианликдаги бўлиниш сабаблари. Православлик тарихи ва таълимоти. Милодий йил ҳисобига асос қилиб олинган тарихий воқеа. Христианлик дини пайдо бўлишига сабаб бўлган тарихий шарт-шароитлар. Христианликнинг давлат динига айланиш сабаблари. Христианликнинг муқаддас китоби – «Янги Аҳд».

Ўтилган мавзу бўйича саволлар

1. Христианлик қаерда ва қайси даврда вужудга келди?
2. Христианликнинг муқаддас китоби ва унинг таркибига кирган китоблар?
3. Исо Масихнинг илоҳийлик ва инсонийлик табиати ҳақидаги таълимот қандай?
4. Христианликнинг давлат динига айланиши.
5. Христианликнинг бўлиниб кетиш сабаблари.

Фойдаланиш учун адабиётлар:

1. Бартольд В.В. Христианский Восток // Сборник в честь 70-летия Г.Н.Потанина. –Б.м., б.г. – С. 412-425.
2. Библиейская энциклопедия. М.: Российское библиейское общество, 1995.
5. Васильев Л.С. История религий Востока. М.: 1998.
6. Вениамин О. (Новик) Православие. Христианство. Демократия: Сб.ст.-СПб.: Алетейя, 1999. -366 с.
7. Гараджа В.И. Религиоведение. 2-изд. М.: 1995.
8. Дресвянская Г.Я. История изучения христианства в Средней Азии // Научные труды Ташкентского Университета. - Вып. 333.-Т., 1968. -С. 342-358.
9. Жураев У.Т., Саиджонов Й.С.. «Дунё динлари тарихи». «Шарк» нашриёт–матбаа концернининг бош таҳририяти. Т.: 1998 й.
10. Йўлдошхўжаев Х., Раҳимжонов Д., Комилов М. Диншунослик: маърузалар матни. Т.: 2000 й.
11. К истории христианства в Средней Азии (XIX-XX вв.) / Сост.: Л.И. Исакова.- Т.: Узбекистан, 1998. -271 с.
12. Мень А. История религии. М., 1994.

ПРАВОСЛАВЛИК ТАРКИБИ ВА ТАЪЛИМОТИ

Режа

1. Христианликнинг бўлиниб кетиши.
2. Православлик таълимоти.
3. Православлик маросим ва байрамлари.

Православлик – христианликдаги уч асосий йўналишдан бири (католицизм ва протестантизм билан бирга). Рим империяси бўлиниб кетгандан кейин (395) унинг Шарқий тармоғи бўлиб қолган ва черковлар бўлингач (1054) расмийлашган.

Асосий Шарқий Европада ва Яқин Шарқда кенг тарқалган. Православие дастлаб Византия империясининг давлат дини бўлгани учун унинг тарихий тараққиёти хусусиятлари таъсири остида бўлган. Бу ҳол православие диний таълимотида ҳам, православие черковини ташкил этишда ҳам ўз ифодасини топган. Никей (325) ва Константинополь (381) жаҳон соборларида қабул қилинган эътиқод тимсолида таърифлаб берилган. Православие таълимотининг асосини муқаддас учлик (троица)дан иборат ягона худо эканлиги, нариги дунё, ажр тўғрисидаги, дастлабки гуноҳ туфайли азоб-укубатларга дучор қилинган инсониятни нажот топишига имкон берувчи Исо Масихнинг халоскор миссияси ҳақидаги ақидаларни тан олади. Черковнинг худо ва одамлар ўртасидаги воситачилик ролига эътибор беради. Православиеда христианларнинг 7 сирли маросими (таинства) асосий ўринни эгаллайди. Пасха ва рўза (пост)ларга катта аҳамият берилади. Католицизмда қабул қилинган айрим ақидалар (муқаддас рухнинг фақат ота-худодангина эмас, балки ўғил-худодан ҳам келиб чиқиши, покланиш макони – аъроф, Биби Марямнинг Аннадан илоҳий ҳомиладор ҳолда туғилгани) православиеда эътироф қилинмайди. Баъзи сирли маросимлар бошқачароқ ўтказилади.

Рус православ черкови – Россиянинг энг йирик ва нуфузли диний ташкилоти ҳисобланади. Жаҳондаги Православ черковлари орасида Константинополь, Александрия, Антиохия ва Иерусалим черковларидан кейин бешинчи ўринда туради. Ҳозирги вақтда черковнинг 125 епархияга бирлаштирилган 17 мингдан ортиқ диний ташкилотлари мавжуд.

Рус православ черковининг фаолияти собиқ Иттифоқ (Грузиядан ташқари) давлатларида истиқомат қилаётган православ динига мансуб фуқароларнинг эҳтиёжларини қондиришдан иборат.

Черков таркибига маълум бир муҳториятга эга бўлган қуйидаги черковлар киради: Украин православ черкови, Беларус православ черкови, Молдовадаги православ черкови, Латвия православ черкови, Эстония апостоллик православ черкови ва Япония мухтор православ черкови.

Туркистон худудида илк православ черковлари XIX асрнинг 40-йилларидан эътиборан фаолият кўрсатади бошлаган. 1850 йилда биринчи ибодатхона қурилган. 1871 йилда Россия императорининг фармонида биноан Тошкент ва Туркистон епархияси ташкил этилган. 1916 йилнинг охирига келиб епархия маркази Тошкентга кўчирилган.

1936 йилда Рус православ черкови Патриархининг қарорига асосан епархия иккига ажратилган – Тошкент ва Ўрта Осиё епархияси ва Олма-ота ва Қозоғистон епархияси.

Мустақил иш учун:

Христианликнинг шарқий тармоғи бўлмиш православиянинг ривожланиши жараёнида 16 мустақил (автокефал) черков: Константинопол, Александрия, Антиохия, Қуддус, Грузин, Серб, Румин, Болгар, Кипр, Эллада. Албан, Поляк, Чехия, Словакия, Рус ва Америка черковлари вужудга келди. Бу черковларнинг энг каттаси Рус православ черкови (Русская православная церковь, бошқа расмий номи Москва патриархати) бўлиб, унга 19 минг черков ва 127 епархия бирлашган. Булардан 150 дан ортиқ черков ва 5 епархия чет элда фаолият олиб боради.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар

1. Еттита сирли маросимларнинг мазмун-моҳиятини сўзлаб беринг?
2. Православликнинг асосий таълимоти қандай?
3. Афтокефал черков деганда нимани тушунасиз?
4. Ўзбекистонда Рус православ черковининг фаолияти ҳақида сўзлаб беринг.

Фойдаланиш учун адабиётлар:

1. Бартольд В.В. Сочинения. 6-т. М.: Наука, 1966.
2. Библийская энциклопедия. М.: Российское библийское общество, 1995.
3. Буддизм. Справочник. М.: 1992.
4. Васильев Л.С. История религий Востока. М.: 1998.
5. Вениамин О. (Новик) Православие. Христианство. Демократия: Сб.ст.-СПб.: Алетейя, 1999. -366 с.
6. Гараджа В.И. Религиоведение. 2-изд. М.: 1995.
7. Дервиш Р.А. и др. Памятники истории религии и культуры в Узбекистане: Пособие для факультатива по истории религии / Р.А. Дервиш, Л.Г.Левтеева, А. Мусакаева. - Т.: Укитувчи, 1994. - 80 с.
8. Жураев У.Т., Саиджонов Й.С. «Дунё динлари тарихи». «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг бош таҳририяти. Т.: 1998 й.
9. Йўлдошхўжаев Х., Раҳимжонов Д., Комилов М. Диншунослик: маърузалар матни. Т.: 2000й.
10. Ключевский В.О. Православие в России. -М.: Мысль, 2000. -623 с.
11. Мень А. История религии. М., 1994.
13. Христианство:Энциклопедический словарь. -В 3-х томах /Редкол.: С.С. Аверинцев и др.-М.: Большая Рос. Энци., 1998.-
Т.1. А-К. -863 с.
Т.2. Л-С. -671 с.
Т.3. Т-Я. -783 с.

КАТОЛИЦИЗМ ТАРКИБИ ВА ТАЪЛИМОТИ

Режа

1. Католицизмнинг таркибий тузилиши.
2. Католицизм таълимотининг Православлик таълимотидан фарқлари.
3. Католицизм маросим ва байрамлари.

Католицизм (юн. - умумий, жаҳон) – христианликда православие ва протестантизм каби кенг тарқалган асосий оқимлардан бири. Католицизм диний таълимот ва черков ташкилоти сифатида асосан 1054 йилда черковларнинг бўлинишидан кейин вужудга келди.

Католицизм Рим папасини Исонинг ердаги ноиби, у дин ва ахлоқ ишларида гуноҳ қилмайди, унинг ҳокимияти жаҳон соборлари ҳокимиятидан юқори туради деб ҳисоблайди.

Католицизмнинг протестантизмдан фарқи шундаки, у фақат муқаддас ёзув (Библия)гагина эмас, балки муқаддас ривоятни ҳам диний таълимотнинг манбаи деб ҳисоблайди.

Рухонийлар уйланмасликка аҳд қиладилар. Биби Марямни бениҳоя ҳурматлаш, унинг илоҳий ҳомиладорлиги ва осмонга кўтарилиб кетиши ақидасини эътироф этиш, эътиқод тимсолига аъроф ақидасини қўшиш католицизмга хос бўлган хусусиятдир.

Католицизмда асрлар давомида ибодат лотин тилида олиб борилган, II Ватикан собори (1962-1965)гина уларни миллий тилларда ўтказишга рухсат берган. Католицизмга кўпроқ ўрта аср файласуфи Фома Аквинскийнинг диний қарашлари асос қилиб олинган ва у ҳозирги замонга мослаштирилган.

Ватиканнинг халқаро сиёсатдаги ўрни кўп миллионлик католик-диндорларга асосланган. Ватикан жаҳоннинг 116 давлати билан дипломатик алоқаларини ўрнатган бўлиб, унинг чет элдаги дипломатик ваколатхоналари билан бирга 1,7 миллионга яқин диний ходимлари ва 400 минг рухонийларига эга. Тахминан 2 мингга яқин монахлик орденлари бўлиб, улардан энг йириги иезуитлар (26 минг), францисканцлар (40 минг), салезианцлар, капуцинлар, бенедиктлар, доминиканлардир.

Мустақил иш учун:

Католицизм бугунги кунда христианликнинг энг кўп тарқалган оқимидир. Католикларнинг асосий кўпчилиги ғарбий Европа ва Лотин Америкаси, Африка мамлакатларидадир. Шунингдек, Польша, Венгрия, Чехия, Словакия, Куба, Болтиқ бўйи республикалари, Беларусь ва Ғарбий Украинада ҳам католиклар мавжуд.

Католицизм билан православлик таълимотларидаги умумий ва фарқли томонлар. Протестантизмнинг католицизмдан ажралиб чиқиш сабаблари. Ўзбекистондаги христиан йўналишидаги диний ташкилотларнинг жамият ҳайтидаги ўрни.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар

1. Католицизм таълимоти ҳақида сўзлаб беринг?
2. Католицизм таркибий тузилиши қандай?
3. Католицизмнинг тарқалиши қандай бўлган?
4. Католицизм ва православия таълимотларидаги фарқлар ҳақида тушунтириш беринг?

Фойдаланиш учун адабиётлар:

1. Бартольд В.В. Сочинения. 6-т. М.: Наука, 1966.
2. Библейская энциклопедия. М.: Российское библейское общество, 1995.
3. Буддизм. Справочник. М.: 1992.
4. Васильев Л.С. История религий Востока. М.: 1998.
5. Васильев Л.С. Культы, религии, традиции в Китае. М.: 1970.
6. Гараджа В.И. Религиоведение. 2-изд. М.: 1995.
7. Дервиш Р.А. и др. Памятники истории религии и культуры в Узбекистане: Пособие для факультатива по истории религии / Р.А. Дервиш, Л.Г. Левтеева, А. Мусакаева. - Т.: Укитувчи, 1994. - 80с.
8. Жураев У.Т., Саиджонов Й.С. «Дунё динлари тарихи». «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг бош таҳририяти. Т.: 1998 й.
9. Йўлдошхўжаев Х., Раҳимжонов Д., Комилов М. Диншунослик: маърузалар матни. Т.: 2000й. Вениамин О. (Новик) Православие. Христианство. Демократия: Сб. ст. -СПб.: Алетейя, 1999. -366 с.
10. Ключевский В.О. Православие в России. -М.: Мысль, 2000. -623 с.
11. Мень А. История религии. М., 1994.
12. Москаленко А.Т. Идеология и деятельность христианских сект.- Новосибирск:наука,1978. -415 с.
14. Христианство:Энциклопедический словарь.-В 3-х томах /Редкол.:С.С. Аверинцев и др. - М.: Большая Рос. Энци., 1998.-
Т.1. А-К. -863 с.
Т.2. Л-С. -671 с.
Т.3. Т-Я. -783 с.

ПРОТЕСТАНТЛИК ЙЎНАЛИШИДАГИ ОҚИМЛАР: АДВЕНТИСТЛИК, БАПТИСТЛИК

Режа

1. Протестантлик. Протестант оқимлари таълимоти ва маросимларидаги умумий ва фарқли томонлар.
2. Адвентистликнинг вужудга келиши.
3. Баптистлик тарихи ва таълимоти.

Протестантизм (лат. норози бўлиш. келишмаслик) - XVI асрда католицизмдан ажралиб чиққан христиан йўналишларидан бўлиб, католицизм ва православие билан биргаликда уч асосий оқимлар сирасига киради. Протестантизмда ўнлаб катта ва кичик мустақил протестант жамоалари бор. Бу жамоалар аввалги таълимот ва маросимларга қандайдир ўзгаришлар киритгани учун уларни протестант секталари деб аташ қабул қилинган. Уларнинг ўзаро ўхшашликлари кўп. Ҳамма протестант черковлари диний таълимот манбаи сифатида фақат Библиядан фойдаланадилар. Шу билан бирга, улар бир-биридан фарқ қилувчи тафовутларга ҳам эга. Протестантизм оқимида эътиқод қилувчилар сони тахминан 750 миллион киши.

Адвентизм (лот. - келиш, воқе бўлиш) протестант йўналишидаги оқим. XIX асрнинг биринчи ярмида АҚШда вужудга келган. Унинг асосчиси Нью-Йорк штатидаги баптистлар жамоасига мансуб Уильям Миллер (1772-1849) Библияни ўрганиб, яқин орада «охирзамон»нинг келиши ҳамда Исо Масихнинг минг йиллик ҳукмронлик даври бошланиши ҳақидаги таълимотни олдинга суради.

Адвентистлар Муқаддас Китобнинг баъзи қисмларини терма тартибда ўрганиб, Янги Аҳднинг асосий таълимоти - Исо Масихнинг иккинчи маротаба қайтиши, деб ҳисоблайдилар. Улар Исонинг иккинчи марта қайтиши ҳақида ўзларининг концепцияларини яратганлар.

Баптистлик (грекча сувга ботирмоқ, сувга шўнгитиб чўқинтирмоқ) Англияда вужудга келган протестант йўналишидаги оқим. XVII асрда Карл I Стюарт (1625-49) ҳокимиятининг охирларида ташкил топган.

Баптизм диний таълимотининг асоси - Библиянинг илоҳий нуфузини тан олиш. Баптистлар ишонадиларки, барча Эски (39 китоб) ва Янги (27 китоб) Аҳд китоблари Муқаддас Рухдан руҳланган ва Худони, нажот топиш йўлларини ҳамда эътиқод ва ҳаётга нисбатан худонинг иродасини билиш учун ягона, зарур ва етарли манба қилиб берилган. Жамоа ҳар бир аъзосининг Библияни ўрганиш ва тафсир қилишга бўлган эътибори шундан келиб чиқади. Баптистлик диний эътиқодга ва диний ахлоқ тарғиботига катта аҳамият беради.

Мустақил иш учун:

Протестантлик ҳам умумхристиан таълимотини эътироф этсада, бу оқимда учта янги қоида мавжуд. Булар:

- а) шахсан эътиқод билан нажот топиш;
- б) динга ишонувчи барча кишиларнинг руҳоний бўлиши мумкинлиги;
- динга;
- в) Библиянинг олий нуфузи.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар

1. Протестантизмнинг вужудга келиши сабаблари.
2. Протестант оқимлари таълимотидаги умумий томонлар.
3. Протестантизм ва католицизм таълимотларидаги фарқлар ҳақида тушунтириш беринг?
4. Адвентизм тарихи ва таълимоти ҳақида сўзлаб беринг?
5. Баптизм шаклланиши ва таълимоти ҳақида сўзлаб беринг?

Фойдаланиш учун адабиётлар:

1. Бартольд В.В. Сочинения. 6-т. М.: Наука, 1966.
2. Библейская энциклопедия. М.: Российское библейское общество, 1995.
3. Буддизм. Справочник. М.:1992.
4. Васильев Л.С. История религий Востока. М.: 1998.
5. Васильев Л.С. Культы, религии, традиции в Китае. М.: 1970.
6. Гараджа В.И. Религиоведение. 2-изд. М.: 1995.
7. Жураев У.Т., Саиджонов Й.С.. «Дунё динлари тарихи». «Шарк» нашриёт–матбаа концернининг бош тахририяти. Т.: 1998 й.
8. Йўлдошхўжаев Ҳ., Раҳимжонов Д., Комилов М. Диншунослик: маърузалар матни. Т.: 2000 й.
9. Ковальчук С.Н. Протестантский модернизм в США: Анализ «Процесс-теология». - Рига: Зинатне, 1991. -135 с.
10. Москаленко А.Т. Идеология и деятельность христианских сект. - Новосибирск: наука, 1978. -415 с.
11. Мень А. История религии. М., 1994.

ЛЮТЕРЧИЛИК, НОВОАПОСТОЛЛИК

Режа

1. Лютеранлик – протестант йўналишидаги илк оқимлардан.
2. Новоапостоллик черкови тарихи ва таълимоти.
3. Лютеранлик ва Новоапостолликнинг Ўзбекистондаги фаолияти.

Лютеранлик - XVI асрда Европада реформация харакати натижасида вужудга келган протестантизмнинг йирик оқимларидан бири. Бу таълимотга илоҳиёт олими, роҳиб Мартин Лютер (1483-1546) асос солган.

Лютеранлик руҳонийларнинг Худо ва инсон орасидаги воситачи эканлигини рад этади. Кишиларни авлиёларнинг каромати ёки черков фойдасига қилинган хайрли ишлар эмас, балки шахсий эътиқодигина қутқариши мумкин. Диний таълимот манбаи - Библия. Лютеранлар монахлик, авлиёлар ва уларнинг жасадлари (моха - христианликда авлиёларнинг вафотларидан сўнг чиримай қотиб қолган жасадлари)га сиғинишни бекор қиладилар. «Таинства» маросимларидан фақат иккитаси

қолдирилган: чўқинтириш ҳамда причашение (нон ва вино тоттиш) маросимлари.

Германиядан Лютеранлик Европанинг бир қатор давлатларига: Австрия, Венгрия, Франция, Скандинавия ҳамда Шимолий Америкага тарқалди.

Бош синод - лютеранликнинг олий ҳуқуқий органи. Епископ томонидан назорат қилинадиган Консистория (черков ишлари бўйича давлат ташкилоти) ижрочи ҳокимиятдир.

Новоапостол черковининг биринчи жамоалари Англияда XIX асрнинг ўрталарида вужудга келди. Уларнинг асосий мақсади - I-II асрлардаги черковлар мавқеини тиклаш.

Новоапостол черковида учта «таинства» бажарилади: сув билан чўқинтириш - ёшнинг фарқи йўқ; причашение - нон ва вино билан тоттириш, Муқаддас Рух билан запечатление - инсоннинг ички оламини бутунлай янгилаш. Черков таълимотига кўра, Худо руҳонийларнинг дуо ва фотиҳалари сабабли бандаларига ўзининг меҳру мурувватини ато қилади.

Черковни биринчи апостол ва апостоллар бошқарадилар. Ўз навбатида улар апостолларнинг ўринбосарлари ҳисобланадилар («Новоапостол черкови» номи шундан келиб чиққан), Муқаддас Рух томонидан бериладиган хос қобилиятлар ҳам шу тариқа бўлинган. Биринчи апостол, диний қоидаларга асосан, Худонинг ердаги вакили ҳисобланади. Биринчи апостолликка номзод апостоллар орасидан танланади. Маълум бир давлат ёки минтақадаги Новоапостол жамоалари округларга бирикадилар ва уларни округ апостоли бошқаради. Ҳозирги кунда 22 та округ мавжуд. Унинг топшириғига кўра, минтақалардаги жамоалар апостол, епископ ёки округ руҳонийлари томонидан бошқарилади. Уларга пасторлар, инжилчилар, поплар ҳамда дьяконлар ёрдам берадилар. (Черковда диний билим юрти мавжуд эмас.) Черков ходимлари ўз вазифаларини бепул ва ўзларининг асосий касбларидан ташқари бажарадилар.

Мустақил иш учун:

Евангелчи-лютеранлар Ўзбекистон ҳудудида 1877 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. 1884 йилдан лютеранлар ибодатларини расман амалга оширганлар. 1890 йилда архитектор А.Л. Бенуа раҳбарлигида бошланган черков қурилиши 1896 йилнинг декабрь ойига келиб ниҳояланди.

Ўзбекистонда яна бир черков Новоапостоллик черкови бўлиб, у христиан динининг протестантлик йўналишига мансуб оқимдир. Новоапостол черкови Ўзбекистондаги фаолиятини 1992 йилдан бошлаган бўлиб, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Навоий шаҳарларида рўйхатдан ўтган. Ўзбекистондаги Новоапостол черковлари Берлин-Бранденбург округи тасарруфидадир. Унинг апостол-президенти Фриц Шредердир.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар

1. Лютеранликнинг ташкил топиши ва таълимоти.
2. Лютеранликнинг Ўзбекистондаги фаолияти ҳақида сўзлаб беринг?
3. Новоапостоллик таълимотининг ўзига хос томонлари.
4. Новоапостоллик черковининг Ўзбекистондаги фаолияти?

Фойдаланиш учун адабиётлар:

1. Бартольд В.В. Сочинения. 6-т. М.: Наука, 1966.
2. Библейская энциклопедия. М.: Российское библейское общество, 1995.
3. Буддизм. Справочник. М.: 1992.
4. Васильев Л.С. История религий Востока. М.: 1998.
5. Васильев Л.С. Культы, религии, традиции в Китае. М.: 1970.
6. Гараджа В.И. Религиоведение. 2-изд. М.: 1995.
7. Жураев У.Т., Саиджонов Й.С. «Дунё динлари тарихи». «Шарк» нашриёт-матбаа концернининг бош тахририяти. Т.: 1998 й.
8. Из истории Евангелическо-Люциранской церкви: в России, на Украине, в Казахстане и Средней Азии. - СПб., 1996. -156 с.
9. Йўлдошхўжаев Х., Раҳимжонов Д., Комилов М. Диншунослик: маърузалар матни. Т.: 2000 й.
10. Москаленко А.Т. Идеология и деятельность христианских сект.- Новосибирск:наука, 1978. -415 с.
11. Мень А. История религии. М., 1994.
12. Протестантизм // Энциклопедия для детей.-т. 6. Религии мира.- М.:Аванта, 2000. -С. 375-430.

ТЎЛИҚ ИНЖИЛ ХРИСТИАНЛАРИ ЧЕРКОВЛАРИ

Режа

1. Тўлиқ инжил христианлари черковининг ташкил топиши.
2. Тўлиқ инжил христианлари черкови таълимоти.
3. Тўлиқ инжил христианлари черкови Ўзбекистондаги фаолияти.

Тўлиқ инжил христианлари (Пятидесятниклик) - XIX аср охирларида - XX аср бошларида Америкада шаклланган протестант оқими. Америка, Англия каби давлатларда ривайелизм (ингл. уйғониш) характеридаги диний-фалсафий оқимлар замирида вужудга келди. Бу ҳаракатлар рухий уйғониш ёки христианликнинг илк даврларидаги ҳақиқий апостоллар черковини тиклашга чақирардилар, калвинчиликнинг «мутлоқ тақдири азал» ақидасини рад этиб, нажот топиш олдиндан

белгиланмаган, балки, унга Исога шахсий эътиқод ва тўғри ҳаёт кечириш орқали эришилади деган ғояни илгари суради.

Библия диний таълимот манбаидир. Пятидесятниклар таълимотига кўра, Муқаддас Рух доимо черковга тушиб туради. Ҳар бир сувда чўқинтирилган христиан Муқаддас Рух билан чўқинтирилганида, унинг беморларни даволаш, башорат қилиш, номаълум тилларни билиш каби инъомларига сазовор бўлиши мумкин. Пятидесятникликда Исонинг иккинчи марта қайтиши, охирзамон ва мингйиллик ҳукмронлик ўрнатилишининг яқинлиги тарғиб қилинади.

Мустақил иш учун:

Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган Тўлиқ Инжил христианларининг асримиз 20-йиллари охирларида Тошкент шаҳрида биринчи жамоалари тузилди. 30-йилларга келиб уларнинг сони 950 кишига етди. Улар ташкилот сифатида қайд этилмаган бўлсаларда, Тошкент жамоаси марказий ўрин тутди. 1945 йилга келиб баптистлар ва пятидесятниклар бирлашишга қарор қилдилар, лекин бу иш тўлиқ амалга ошмай қолди. Мазкур ташкилот 1992 йилдан эътиборан расмий фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар

1. Тўлиқ инжил христианлари черковининг ташкил топиши тарихи.
2. Тўлиқ инжил христианлари черкови таълимоти ҳақида сўзлаб беринг?
3. Тўлиқ инжил христианлари черковининг Ўзбекистондаги фаолияти.

Фойдаланиш учун адабиётлар:

1. Бартольд В.В. Сочинения. 6-т. М.: Наука, 1966.
2. Библейская энциклопедия. М.: Российское библейское общество, 1995.
3. Буддизм. Справочник. М.:1992.
4. Васильев Л.С. История религий Востока. М.: 1998.
5. Васильев Л.С. Культы, религии, традиции в Китае. М.: 1970.
6. Гараджа В.И. Религиоведение. 2-изд. М.: 1995.
7. Жураев У.Т., Саиджонов Й.С.. «Дунё динлари тарихи». «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг бош таҳририяти. Т.: 1998 й.
8. Йўлдошхўжаев Ҳ., Раҳимжонов Д., Комилов М. Диншунослик: маърузалар матни. Т.: 2000 й.
9. Мельник В.И. Эволюция современного пятидесятничества.- Львов: Вища шк., 1985. -160 с.
10. Мень А. История религии. М., 1994.

11. Москаленко А.Т. Идеология и деятельность христианских сект. - Новосибирск: наука, 1978. -415 с.
12. Москаленко А.Т. Пятидесятники.-Изд. 2-е.-М.:Политиздат, 1973. - 199 с.

ИСЛОМ ДИНИ ТАРИХИДАН

Исломнинг пайдо бўлиши. Қуръон – исломнинг муқаддас китоби. Исломда суннийлик ва шиалик оқимлари. Суннийлик (араб. – одат, анъана, хатти-ҳаракат тарзи) – исломда мусулмонлар учун ибрат ҳисобланган Пайғамбарнинг сўзлари, амаллари ва хатти-ҳаракатлари. Пайғамбардан асар бўлиб қолган гап, иш, ахлоқий сифатлар ва таржимаи ҳолга тегишли маълумотлар «Суннат» дейилади. Суннийлик тарафдорлари ўзларини «аҳли сунна вал жамоа» деб атайдилар. Шиалик (араб. – гуруҳ, тарафдорлар) – Ўзининг тарқалиши ва ижтимоий-сиёсий моҳияти жиҳатидан суннийликдан кейин 2-ўринда туради. 7-аср ўрталарида халифа Али ҳокимияти тарафдорларидан иборат сиёсий гуруҳ сифатида вужудга келган. 7-аср охирларига келиб, Ироқ ва Эронда кенг тарқалган ва исломдаги мустақил диний йўналишга айланган. Диний-ақидавий таълимотда, маросим ва урф-одатларда суннийликдан маълум даражада фарқ қилади. Исломнинг жаҳон динига айланиши.

Мустақил иш учун:

Ислом дини тарафдорлари жаҳон аҳолисининг 20 фоизга яқин қисмини ташкил этади. Энг катта мусулмон жамоалари Индонезия (165 млн.), Покистон (125 млн.), Бангладеш (120 млн.), Ҳиндистон (93 млн.), Эрон (63 млн.), Туркия (61 млн.), араб мамлакатларидан энг йириги Мисрда (48 млн.), Нигерияда (43 млн.), мавжуддир. Араблар барча мусулмонларнинг 20 фоизини ташкил этади.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар

1. Муҳаммаднинг пайғамбарлик фаолияти ҳақида нималар биласиз?
2. Ислом динининг асосий ақидаси нималардан иборат?
3. Қуръоннинг нозил бўлиши ҳақида сўзлаб беринг?
4. Тошкентдаги «Усмон Мусҳафи» ҳақида маълумот беринг.
5. Суннийлик ва шиалик оқимларининг вужудга келиши. Улар орасидаги фарқлар.

Фойдаланиш учун адабиётлар:

1. Васильев Л.С. История религий Востока. М.: 1998.
2. Васильев Л.С. Культы, религии, традиции в Китае. М.: 1970.

3. Ислам в истории народов Востока: Сб. ст. / АН СССР, Ин-т востоковедения; отв.ред. И.М. Смиянская, С.Х. Кямилов; Предисл.: И.М. Смиянской.-М.: Наука, 1981.-197с.
4. Ислам на территории бывшей Российской империи: Энциклопедический словарь / Сост. и отв. ред. С.М.Прозоров.- М.: Восточная литература, 1999.-т.2.-167с
5. Исламский фактор» в международных отношениях в Азии (70-е и первая половина 80-х годов): Сб.ст. / АН СССР, Ин-т востоковедения; Редкол.: Л.Р.Полонская и др.-М.: Наука, 1987.-189с.
6. Йўлдошхўжаев Ҳ., Раҳимжонов Д., Комилов М. Диншунослик: маърузалар матни. Т.: 2000й.
7. Мень А. История религии. М., 1994.
8. Модестов С.А. Геополитика ислама.-М.:Мол. Гвардия,2003.-191с.

ИСЛОМ ТАЪЛИМОТИ, МАРОСИМ ВА БАЙРАМЛАРИ

Режа

1. Исломнинг пайдо бўлиши. Ислом таълимотининг асослари.
2. Исломда суннийлик ва шиалик оқимлари.
3. Ислом маросимлари ва байрамлари.

Ислом таълимотининг асослари. Ислом динининг таълимоти унинг муқаддас китоби Қуръони каримда баён этилган. Ислом дини 5 «асос» ёки «устун»га эга: 1) калима келтириш; 2) намоз ўқиш; 3) рўза тутиш; 4) закот бериш; 5) имконият топилса ҳаж қилиш. Шулардан биринчиси имон ва қолганлари ибодат деб эътироф этилган. Имон 7 ақидани – Аллоҳга, унинг фаришталарига, муқаддас китобларига, пайғамбарларига, охират кунига, тақдирга ва ўлгандан кейин тирилишга ишонишни ўз ичига олади.

Исломда хатна, рўза ҳайити, қурбонлик ва қурбонлик ҳайити, ақиқа, мавлуд, худойи, ашуру каби ўзига хос диний маросимчилик таркиб топган.

Мустақил иш учун:

Исломнинг асл моҳияти. Исломнинг суннийлик ва шиаликка бўлиниб кетиш сабаблари. Исломий маросим ва байрамларнинг жамият ҳаётидаги ўрни.

Ибодат, диний расм-русум ва маросимлар ўтказиш маҳаллий ҳокимият томонидан тақиқланмайди. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасида кўрсатилишича, динга эътиқод қилиш ёки ўзга эътиқодлар эркинлиги миллий хавфсизликни ва жамоат тартибини, бошқа фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги, ахлоқи, ҳуқуқи ва эркинлигини таъминлаш учун зарур бўлган даражадагина чекланиши мумкин.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар

1. Ислом маросимлари ҳақида сўзлаб беринг?
2. Ўзбекистонда ҳайит байрамларига қаратилаётган эътибор ҳақида нималар биласиз?
3. Ўзбекистонда исломий кадриятларга бўлган эътибор ҳақида сўзлаб беринг?

Фойдаланиш учун адабиётлар:

1. Васильев Л.С. История религий Востока. М.: 1998.
2. Васильев Л.С. Культы, религии, традиции в Китае. М.: 1970.
3. Ислам в истории народов Востока: Сб. ст. / АН СССР, Ин-т востоковедения; отв.ред. И.М. Смиянская, С.Х. Кямилов; Предисл.: И.М. Смиянской.-М.: Наука, 1981.-197с.
4. Ислам на территории бывшей Российской империи: Энциклопедический словарь / Сост. и отв. ред. С.М.Прозоров.- М.: Восточная литература, 1999.-т.2.-167с
5. Исламский фактор» в международных отношениях в Азии (70-е и первая половина 80-х годов): Сб. ст. / АН СССР, Ин-т востоковедения; Редкол.: Л.Р.Полонская и др.-М.: Наука, 1987.-189с.
6. Йўлдошхўжаев Х., Раҳимжонов Д., Комилов М. Диншунослик: маърузалар матни. Т.: 2000й.
7. Мень А. История религии. М., 1994.
8. Модестов С.А. Геополитика ислама.-М.:Мол. Гвардия,2003.-191с.

БУДДАВИЙЛИК ТАРИХИ ВА ТАЪЛИМОТИ

Режа

1. Буддавийликнинг пайдо бўлиши.
2. Буддавийликнинг муқаддас манбаи.
3. Буддавийлик таълимоти, маросим ва байрамлари.

Буддавийлик - жаҳон дини деб аталишининг сабаби. Жаҳон динлари деб христианлик, ислом ва буддавийликнинг тан олиниши. Жаҳон динларининг дунёда тарқалиш кўрсаткичи ва эътиқод қилувчилар сонининг кўпчиликини ташкил этиши ҳақида.

Буддавийлик динининг пайдо бўлиши. Буддавийликнинг биринчи пайдо бўлган жаҳон динларидан эканлиги. Буддавийликнинг милоддан аввал 1-минг йиллар ўрталарида Ҳиндистонда пайдо бўлганлиги. Буддавийлик ўз ривожини давомида қулдорларнинг фойдаси учун ёмонликка қарши бош кўтармаслик қондасини халқ орасига тарқатиши ва шу билан ўз

таълимотини ривожлантириши. Буддавийликнинг асосчиси Шаҳзода Сиддхортха эканлиги ва Сиддхортха ҳақидаги диний ривоятларнинг мавжудлиги.

Мустақил иш учун:

Ўрта Осиёда буддизм. Ўрта Осиёда динлар тарқалганлиги манзараси ранг-баранг ва тадқиқ қилиш учун ўта қизиқарли. Бу минтақада бошқа қадимий динлар билан бир қаторда буддизмнинг ҳам кенг ёйилганини кузатиш мумкин.

Ўрта Осиёда буддизм тарихини ўрганиш бўйича тадқиқотчилардан Л.И. Албаум, Р.Ч. Багчи, В.В. Бартольд, Т.В. Беляева, В.П. Васильев, В.А. Лившиц, М.Е. Массон, Г.А. Пугаченкова, Э.В. Ртвеладзе, Б.А. Турғунов, З.И. Усмонова, В.Б. Хеннинг, В.А. Шишкин каби ўзбекистонлик ва чет эллик археолог олимлар изланишлар олиб борганлар. Уларнинг экспедициялари натижасида ёзилган мақола, рисола ва монографиялар ушбу мавзунини ўрганишда қўлланма бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар

1. Буддавийликнинг вужудга келиши тарихи ҳақида сўзлаб беринг?
2. Буддавийлик таълимотининг асосий ғояси нималардан иборат?
3. Хинаяна ва Махаяна орасидаги фарқлар ҳақида сўзлаб беринг?
4. Буддавийлик динининг муқаддас китоби ҳақида маълумот беринг?
5. Буддавийликнинг Кушон империясида давлат динига айланиши.

Фойдаланиш учун адабиётлар:

1. Бартольд В.В. Сочинения. 6-т. М.: Наука, 1966.
2. Библийская энциклопедия. М.: Российское библийское общество, 1995.
3. Буддизм. Справочник. М.:1992.
4. Васильев Л.С. История религий Востока. М.: 1998.
5. Васильев Л.С. Культы, религии, традиции в Китае. М.: 1970.
6. Гараджа В.И. Религиоведение. 2-изд. М.: 1995.
7. Жураев У.Т., Саиджонов Й.С. «Дунё динлари тарихи». «Шарк» нашриёт-матбаа концернининг бош таҳририяти. Т.: 1998 й.
8. Йўлдошхўжаев Х., Раҳимжонов Д., Комилов М. Диншунослик: маърузалар матни. Т.: 2000 й.
9. Мень А. История религии. М., 1994.

Реферат учун мавзулар

1. Жаҳон динларининг ўзига хос бўлган хусусиятлари.
2. Диннинг жамиятдаги ўрни.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуни.
4. Дунёвий давлат тушунчаси.
5. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабати.
6. Христианликнинг пайдо бўлиши.
7. Римда христианликнинг давлат дини деб эълон қилиниши.
8. Иусуснинг тарихийлиги ҳақида.
9. Христианликнинг муқаддас китоби.
10. Христианлик таълимотининг мазмуни.
11. Христианликнинг бўлиниб кетиши сабаблари.
12. Православлик таълимоти.
13. Православлик маросим ва байрамлари.
14. Православлик таълимотининг католик таълимотидан фарқлари.
15. Католицизмнинг таркибий тузилиши.
16. Католицизм таълимотининг Православлик таълимотидан фарқлари.
17. Католицизм маросим ва байрамлари.
18. Протестантликнинг вужудга келиши.
19. Протестантлик таълимоти ва маросимларидаги умумий ва фарқли томонлар.
20. Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган протестант диний ташкилотлари.
21. Ислонинг пайдо бўлиши. Ислон таълимотининг асослари.
22. Ислонда суннийлик ва шиалик оқимлари.
23. Ислон маросимлари ва байрамлари.
24. Буддавийликнинг пайдо бўлиши.
25. Буддавийликнинг муқаддас манбаи.
26. Буддавийлик таълимоти, маросим ва байрамлари.
27. Буддавийликнинг жаҳон динига айланиши.
28. Буддавийликдаги тўрт олий ҳақиқат.
29. Буддавийликнинг олам тўғрисидаги таълимоти.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари». Т.: Ўзбекистон нашриёти, 1997 йил.
3. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. Т.: Ўзбекистон, 1998.
4. Каримов И.А. «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда». «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблар. «Ўзбекистон» нашриёти, 1999 йил.
5. Каримов И.А. Ирода ва иймон-этиқодимиз синови. Т.: Ўзбекистон, 1999.
6. Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. Т.: Ўзбекистон, 1999.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.: Ўзбекистон, 2000.
8. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 1992.
9. Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири. Т.: Адолат, 1998.
10. Бартольд В.В. Сочинения. 6-т. М.: Наука, 1966.
11. Библейская энциклопедия. М.: Российское библейское общество, 1995.
12. Буддизм. Справочник. М.: 1992.
13. Беруний, Абу Райҳон. Танланган асарлари: Т.1. (Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар) Т.: Фан, 1968.
14. Васильев Л.С. История религий Востока. М.: 1998.
15. Васильев Л.С. Культы, религии, традиции в Китае. М.: 1970.
16. Гараджа В.И. Религиоведение. 2-изд. М.: 1995.
17. Йўлдошхўжаев Х., Раҳимжонов Д., Комилов М. Диншунослик: маърузалар матни. Т.: 2000 й.
18. Мень А. История религии. М., 1994.
19. Қуръони карим. -Т.: Чўлпон, 1993 й.
20. Имом Бухорий. Ҳадис. 4 жилдлик. Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1993 й.
21. Имом Термизий. «Саҳиҳи Термизий». Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1993 й.
22. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Т.: Ўзбекистон нашриёти, 1998 й.
23. Ислом Каримов. «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир». 3-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1996 й.
24. Ҳусниддинов З. Ислом: йўналишлар, оқимлар, мазҳаблар. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2000 й.
25. А.Ҳасанов. Қадимги Арабистон ва илк ислом, жоҳилия асри. Т.: Тошкент ислом университети, 2001 й.

26. Ислом зиёси ўзбегим сиймосида. Т.: Тошкент ислом университети, 2001 й.
27. У.Т.Жураев, Й.С.Саиджонов. Дунё динлари тарихи. Т.: Шарқ, 1998 й.
28. Шайх Муҳаммад Хузарий. Нурул яқин ва итмомул вафоъ. Т.: Мовароуннаҳр, 1992 й.
29. У.Т.Жўраев. Хушёрликка даъват. Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги мухбири саволларига жавоблар. Т.: Ўзбекистон, 1999 й.
30. Баркамол авлод орзуси. -Т.: Шарқ, 1999 й.

МУҲИМ САНАЛАР (2005-2007-йиллар)

2005 йил

9 январь – Рус драма театрида Рус Православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё Епархияси томонидан Рождество муносабати билан байрам тадбири ўтказилди.

12 январь – Вазирлар Маҳкамасининг «Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги 14-сонли қарори эълон қилинди.

17-18 март – Тошкент ислом университетида ЮНЕСКО билан ҳамкорликда «Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари» халқаро илмий-амалий анжуман ташкил этилди.

24 март – Офицерлар уйи биносида Европа яҳудийлари диний жамоаси томонидан ташкил этилган Пурим байрами ўтказилди.

6 апрель – Рим-католик черковида Рим папаси Иоанн Павел II нинг вафоти муносабати билан ташкил этилган диний маросим ташкил этилди.

Май – Республика Президентининг Олий Мажлисининг XIV сессиясида сўзлаган нутқи юзасидан қабул қилинган Дастур ижросини таъминлаш, талаба ва ўқувчи ёшлар ҳамда аҳолининг кенг қатламларида диний экстремизмга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш, уларни республикамиз, минтақа ва жаҳонда диний соҳада кечаётган ўзгаришлар билан таништириш мақсадида «Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари» номли китобнинг тайёрланиши, нашр этилиши ва тарқатилиши таъминланди.

Июнь – «Ўзбекистоннинг этно-конфессионал картаси» ва мамлакатимизда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш борасида олиб борилаётган ишларни ёритувчи «Ўзбекистоннинг этно-конфессионал атласи» ўзбек, инглиз ва рус тилларида нашр қилинди.

23 июнь – Республика байналмилал маданият маркази ва миллий маданий марказларнинг фаолиятига бағишланган «Ўзбекистон - умумий уйимиз» китоб-альбомининг тақдимот маросими ўтказилди.

26 июнь – Рим-католик черковида Рим-католик черковлари марказининг Апостоллик администратурасига айлантирилиши ва унинг раҳбарлигига епископнинг тайинланиши муносабати билан тантанали йиғилиш ўтказилди.

8 июль – Тошкент ислом университетида “Ислом зиёси ўзбегим сиймосида” китобининг тақдимот маросими ўтказилди.

16-17 сентябрь – Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрида **Икки марта меҳнат қаҳрамони Ким Пен Хва таваллудининг 100**

йиллига бағишланган тантанали кеча ва “Туркистон” саройининг ёзги сахнасида катта концерт бўлиб ўтди.

1-2 октябрь – Самарқанд шаҳрида “Замонавий мусулмон давлатларида аёлларнинг ўрни” мавзуидаги халқаро конференция ўтказилди.

15 ноябрь – “Фуқаролик жамиятини шакллантиришда конфессиялараро муносабатларнинг аҳамияти” мавзусидаги илмий-амалий семинар ташкил этилди.

4-10 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Бош Вазири Ш.Мирзиёев раҳбарлигидаги делегация Ислом конференцияси ташкилотининг навбатдан ташқари саммитида иштирок этиш учун Саудия Арабистонига ташриф буюрди.

9 декабрь – Республика Байналмилал маданият марказида “Ўзбекистон Конституцияси: миллий ўзликни англаш ва миллий-этник маданиятлар ривожини” мавзуида илмий-амалий конференция ўтказилди.

18-23 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси бошчилигидаги делегация томонидан Миср Араб Республикасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» асарининг араб тилидаги нашри тақдироти ташкил этилди.

29 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги 247-сонли қарори эълон қилинди.

2006 йил

10 январь – Саудия Арабистонида муборак ҳаж ибодатини бажараётган юртдошларимизнинг Ўзбекистон Республикаси Президентига Қурбон ҳайити муносабати билан йўллаган табриги ОАВда эълон қилинди.

21 февраль – Республика байналмилал маданият марказида ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссия ва «Маънавият ва маърифат» Республика маркази билан ҳамкорликда Халқаро она тили куни нишонланди.

18 март – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан Навоий шаҳрида қуриб битказилган «Ислом нури» масжидининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

28-29 март – Республика бўйича Тошкент ислом институти ва ўрта махсус ислом билим юртлари талабалари орасида «Баркамол авлод» спорт мусобақалари Ички ишлар вазирлигининг «ЖАР» спорт соғломлаштириш мажмуасида ташкил этилди.

2 май – Президент И. Каримовнинг Покистон Президенти П.Мушаррафнинг таклифи бўйича Покистонга ташрифи.

10 май – Тошкент ислом университетида университет профессор-ўқитувчилари, Дин ишлари бўйича қўмита, Тошкент давлат шарқшунослик, Тошкент ислом институтлари ҳамда Фанлар Академияси Шарқшунослик институтлари, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Рус

Православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё епархияси ва бошқа конфессиялар вакиллари иштирокида «Акромийлар: ҳақиқат ва ибодатлар» мавзуида илмий-амалий семинар ташкил этилди.

11 май – Республика байналмилал маданият марказида чет эл дипломатик ваколатхоналари ва миллий маданий марказлар фаоллари иштирокида «Гинчлик ва барқарорлик – жамият тараққиётининг асосий омили» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

21-31 май – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси бошчилигидаги делегация томонидан Саудия Арабистони ҳамда Кувайт давлатларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» асарининг араб тилидаги наشري тақдироти ташкил этилди.

Май-август – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 3 апрелдаги ПҚ-317-сон қарори бажарилиши юзасидан жойларда барча миллий маданий марказлар томонидан “Қудратимиз – бирлик ва ҳамжиҳатликда” дўстлик фестивали ўтказилди.

21 июнь – Ўзбекистон мусулмонлари идораси делегацияси Қозғистоннинг Алматы шаҳрида ўтказилган «Ислом бирдамлик ва ҳамжиҳатлик йўлида» мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференция ишида иштирок этди.

21-23 июнь – Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита делегацияси Қирғизистоннинг Исикқўл шаҳрида ўтказилган «Цивилизациялар мулоқоти ва халқлар бирдамлиги» мавзуидаги халқаро форумда иштирок этди.

3-5 июль – Ўзбекистон мусулмонлари идораси делегацияси Москва шаҳрида ўтказилган МДХ мамлакатлари Динлараро кенгашининг йиғилиши ҳамда Бутун жаҳон дин раҳбарлари учрашувида иштирок этди.

25 июль – Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-426 рақамли қарори чиқди.

Июль-август – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 15 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги ПҚ-401-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида РБММ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва шаҳар ҳокимликлари ҳамкорлигида жойларда «Ватан ягонадир, ватан биттадир» фестивали юқори савияда ўтказилди.

10 октябрь – Рамазон ҳайитини нишонлаш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПП-495 рақамли Қарори чиқди.

27 октябрь - Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган тантанали маросим.

11 декабрь – РБММ нинг 15 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг 571-ф рақамли Фармойиши эълон қилинди.

2007 йил

20 февраль – Ҳазрати Имом (Ҳастимом) жамоатчилик жамғармасини қўллаб-қувватлаш ҳақидаги ЎзР Президентининг ПҚ-587 рақамли Қарори

22 февраль – Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасининг юксак эътирофи Президент Ислам Каримовнинг «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюси

12 март – Ташқи ишлар вазирлиги, Халқаро иқтисод ва дипломатия университети ва ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ташаббуси билан Тошкентда “Ислам ва бағрикенглик. Ўзбекистон тажрибаси” мавзуида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда маърифий исломнинг шаклланиши ва ривожланиши ҳамда унинг бошқа дин ва конфессиялар билан ҳамкорлигининг ўзига хос томонлари таҳлил қилинди.

16 март – Тошкент ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши муносабати билан ўтказиладиган тадбирлар тўғрисидаги ЎзР ВМнинг 115-ф рақамли Фармойиши.

25 апрель - Президент Ислам Каримов пойтахтимиздаги Ҳазрати Имом мажмуасига ташриф буюриб, бу ерда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишди.

5 июнь – Президент Ислам Каримов пойтахтимиздаги Ҳазрати Имом мажмуасида ниҳоясига етказилган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида бу ерга ташриф буюрди.

11 июнь – «Усмон Мусҳафи» ни талаб даражасида сақлашни таъминлаш чоралари ҳақидаги ЎР ВМнинг 115 рақамли Қарори қабул қилинди.

26-27 июнь – Тошкент ислом университетида “Марказий Осиёда ислом кадриятлари: бағрикенглик ва гуманизм” мавзуида халқаро илмий конференция бўлиб ўтди.

14-15 август – Тошкент-Самарқанд, “2007 йил –Тошкент ислом маданияти пойтахти” тадбирлари доирасида “Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси” мавзуида халқаро конференция ўтказилди. Унда 38 та хорижий давлатдан меҳмонлар иштирок этди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида (янги таҳрири)

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади ҳар бир шахснинг виждон эркинлиги ва диний эътиқод ҳуқуқини, динга муносабатидан қатъи назар, фуқароларнинг тенглигини таъминлаш, шунингдек диний ташкилотларнинг фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиб туришдан иборат.

2-модда. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Қорақалпоғистон Республикасида виждон эркинлигини ва диний ташкилотлар фаолиятини таъминлашга оид муносабатлар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларидагидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Виждон эркинлиги ҳуқуқи

Виждон эркинлиги - фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликдан иборат кафолатланган конституциявий ҳуқуқидир.

Фуқаро ўзининг динга, динга эътиқод қилишга ёки эътиқод этмасликка, ибодат қилишда, диний расм-русмлар ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликка, диний таълим олишга ўз муносабатини белгилаётган пайтда уни у ёки бу тарзда мажбур этишга йўл қўйилмайди.

Вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, шунингдек уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитишга йўл қўйилмайди.

Динга эътиқод қилиш ёки ўзга эътиқодлар эркинлиги миллий хавфсизликни ва жамоат тартибини, бошқа фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги, ахлоқи, ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш учун зарур бўлган даражадагина чекланиши мумкин.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда виждон эркинлиги ва диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқидан фойдаланадилар ҳамда виждон эркинлиги ва

диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун қонунда белгиланган тарзда жавобгар бўладилар.

4-модда. Фуқароларнинг динга муносабатидан қатъи назар тенг ҳуқуқлилиги

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари динга муносабатидан қатъи назар қонун олдида тенгдирлар. Расмий ҳужжатларда фуқаронинг динга муносабати кўрсатилишига йўл қўйилмайди. Фуқароларнинг динга муносабатига қараб уларнинг ҳуқуқларини ҳар қандай чеклаш ва уларга бевосита ёки билвосита имтиёзлар белгилаш, душманлик ва адоват уйғотиш ёхуд уларнинг диний ёки дахрийлик эътиқоди билан боғлиқ ҳис-туйғуларини ҳақоратлаш, диний зиёратгоҳларни оёқ ости қилиш қонунда белгиланган жавобгарликни келтириб чиқаради.

Ҳеч ким диний эътиқодини рўқач қилиб қонунда белгиланган мажбуриятларни бажаришдан бош тортишга ҳақли эмас. Қонунга мувофиқ бажарилиши мажбурий бўлган бир вазифани диний эътиқоди туфайли бошқаси билан алмаштиришга қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади.

5-модда. Диннинг давлатдан ажратилганлиги

Ўзбекистон Республикасида дин давлатдан ажратилган. Ҳеч бир динга ёки диний эътиқодга бошқаларига нисбатан бирон-бир имтиёз ёки чеклашлар белгиланишига йўл қўйилмайди.

Давлат турли динларга эътиқод қилувчи ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, ҳар хил эътиқодларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро мурося ва ҳурмат ўрнатилишига кўмаклашади, диний ва ўзга мутаассибликка ҳамда экстремизмга, муносабатларни қарама-қарши қўйиш ва кескинлаштиришга, турли конфессиялар ўртасида адоватни авж олдиришга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўйилмайди.

Давлат диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни қўллаб-қувватлайди. Бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм), шунингдек, бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилади. Ушбу қонуннинг бузилишига айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиладилар.

Давлат диний ташкилотлар зиммасига ўзининг ҳеч қандай вазифасини бажаришни юкламайди, уларнинг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган фаолиятига аралашмайди. Диний ташкилотлар давлат вазифаларини бажармайди. Давлат диний ташкилотларнинг фаолиятини ҳамда дахрийлик тарғиботига оид фаолиятини маблағ билан таъминламайди.

Ўзбекистон Республикасида диний моҳиятдаги сиёсий партия ва жамоат ҳаракати, шунингдек республикадан ташқарида тузилган диний

партияларнинг филиаллари ва бўлимларини тузишга ва уларнинг фаолият юритишига йўл қўйилмайди.

Диний ташкилотлар амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этишлари шарт. Диндан давлатга ва Конституцияга қарши тарғибот олиб боришда, душманлик, нафрат, миллатлараро адоват уйғотиш, ахлоқий негизларни ва фуқаровий тотувликни бузишда, бўҳтон вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмаларни тарқатишда, аҳоли ўртасида ваҳима чиқаришда ҳамда давлатга, жамият ва шахсга қарши қаратилган бошқа хатти-ҳаракатларда фойдаланишга йўл қўйилмайди. Терроризм, нарқобизнес ва уюшган жиноятчиликка кўмаклашадиган, шунингдек, бошқа ғаразли мақсадларни кўзловчи диний ташкилотлар, оқимлар, секталар ва бошқаларнинг фаолияти ман этилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига, мансабдор шахсларга тазйиқ ўтказишга қаратилган ҳар қандай уриниш, шунингдек, яширин диний фаолият қонун билан тақиқланади.

6-модда. Давлат органларининг ва фуқароларнинг ўзини ўзи ошқариш органларининг диний ташкилотлар билан ўзаро муносабат борасидаги ваколатлари

Давлат органлари билан диний ташкилотларнинг ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириш ҳамда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилиш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита зиммасига юкланади. Қўмитанинг ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Низом билан белгиланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли ҳудудларда виждон эркинлигини ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши учун қонун бўйича жавобгардирлар.

7-модда. Таълим тизими ва дин

Ўзбекистон Республикасида таълим тизими диндан ажратилган. Таълим тизимининг ўқув дастурларига диний фанлар киритилишига йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг дунёвий таълим олиш ҳуқуқи уларнинг динга бўлган муносабатидан қатъи назар таъмин этилади.

8-модда. Диний ташкилотлар

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг динга эътиқод қилиш, ибодат, расм-русумлар ва маросимларнинг биргаликда адо этиш мақсадида тузилган кўнгилли бирлашмалари (диний жамиятлар, диний ўқув юртлари,

масжидлар, черковлар, синагогалар, монастырлар ва бошқалар) диний ташкилотлар деб эътироф этилади.

Диний ташкилот Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаётган юз нафардан кам бўлмаган фуқаролар ташаббуси билан тузилади.

Тегишли конфессияга қарашли диний ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва йўналтириб бориш учун уларнинг Ўзбекистон Республикаси бўйича ягона марказий бошқарув органлари (бундан кейин - марказий бошқарув органлари деб юритилади) тузилиши мумкин.

Марказий бошқарув органи Ўзбекистон Республикасининг камида саккизта ҳудудий тузилмасида (вилоят, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси) фаолият кўрсатаётган, тегишли конфессияларнинг рўйхатга олинган диний ташкилотлари вакиллари таъсис йиғилиши (конференцияси) томонидан тузилади.

Диний ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ёки унинг жойлардаги органларида рўйхатдан ўтказилгандан кейин юридик шахс мақомига эга бўлади ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ўз фаолиятини амалга ошириши мумкин.

Тегишли маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари диний ташкилотларнинг раҳбарлари бўлишлари мумкин. Диний ташкилотлар раҳбарлигига Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаган шахсларнинг номзоди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита билан келишиб олинади.

9-модда. Диний ўқув юртлари

Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари руҳонийлар ва ўзларига зарур бўлган диний ходимлар тайёрлаш учун диний ўқув юртлари тузишга ҳақли. Диний ўқув юртлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилиб, тегишли лицензия олгандан кейин фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлади.

Олий ва ўрта диний ўқув юртларида таълим олиш учун фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ умумий мажбурий ўрта таълим олгандан кейин қабул қилинади.

Диний ўқув юртларида диний фанларни ўқитаётган шахслар диний таълим олган бўлишлари ва ўз фаолиятларини тегишли марказий бошқарув органининг рухсати билан амалга оширишлари лозим.

Хусусий тартибда диний таълим бериш ман этилади.

10-модда. Диний ташкилотнинг устави

Диний ташкилотнинг устави қуйидаги маълумотларни ўз ичига олган бўлиши керак:

диний ташкилотнинг номи, тури, жойлашган манзили, қайси динга мансублиги;

мақсади, вазифалари ва фаолиятининг асосий турлари;

фаолиятни ташкил этиш ва тугатиш тартиби;

тузилиши ва бошқарув органлари;

маблағлари манбаи ҳамда ушбу ташкилот ичидаги, шунингдек, ундан ташқаридаги мулкӣ муносабатлари;

уставга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тартиби;

ушбу диний ташкилотга тааллуқли бошқа маълумотлар.

Марказий бошқарув органларига эга бўлган диний ташкилотларнинг уставлари мазкур бошқарув органлари билан келишилган бўлиши керак.

11-модда. Диний ташкилотларни рўйхатга олиш

Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органларини рўйхатга олиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан, бошқа диний ташкилотларнинг эса тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Диний ташкилотларни рўйхатга олиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- диний ташкилот тузиш ташаббускорлари бўлган, юз нафардан кам бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси имзолаган ариза;

- диний ташкилотнинг устави;

- таъсис йиғилишининг баёни;

- тузилаётган диний ташкилот жойлашган манзилни тасдиқловчи ҳужжат;

- рўйхатга олиш йиғими тўлангани тўғрисидаги ҳужжат.

- Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органини рўйхатга олиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- таъсис йиғилиши (конференцияси)нинг раиси ва котиби имзо қўйган ариза;

- диний ташкилотлар марказий бошқарув органининг устави;

- таъсис йиғилиши (конференцияси)нинг баёни;

- таъсисчилар ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар;

- раҳбар орган жойлашган манзилни тасдиқловчи ҳужжат;

- рўйхатга олиш йиғими тўлангани тўғрисидаги ҳужжат.

Диний ташкилотлар ҳамда уларнинг марказий бошқарув органларини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза берилган кундан эътиборан бир ойлик муддатда кўриб чиқилади.

Адлия органлари қўшимча материаллар талаб қилиб олишга ҳамда тегишли органларнинг эксперт хулосасини олишга ҳақли. Бундай ҳолда қарор рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза берилган кундан эътиборан уч ойлик муддатда қабул қилинади.

Диний ташкилотнинг уставига киритилган кўшимчалар ва ўзгартишлар диний ташкилотни рўйхатга олиш каби тартиб ва муддатларда рўйхатга олиниши лозим.

Диний ташкилотлар раҳбарларининг ташкилот уставини давлат органларида рўйхатдан ўтказишдан бўйин товлаши қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортишга олиб келади.

Диний ташкилотларнинг фаолияти ўз уставига мувофиқлигини назорат қилиш диний ташкилотни рўйхатга олган орган томонидан амалга оширилади.

Рўйхатдан ўтмаган диний ташкилотлар фаолият кўрсатишига йўл қўйган мансабдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

12-модда. Диний ташкилотларни рўйхатга олишни рад этиш

Агар диний ташкилот уставининг қоидалари ва бошқа ҳужжатлари ушбу Қонун ёки Ўзбекистон Республикаси бошқа қонун ҳужжатларининг талабларига зид бўлса, уни рўйхатга олиш рад этилиши мумкин.

Диний ташкилотни рўйхатга олиш рад этилганда рад этиш асослари кўрсатилган қарор ёзма равишда аризачиларга юборилади. Диний ташкилот тузиш ташаббускорлари уставларини қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолга келтирганларидан сўнг, уставни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза билан тегишли тарзда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ёки унинг жойлардаги органларига қайтадан мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Диний ташкилотни рўйхатга олишни рад этилганлиги ёхуд адлия ораганлари томонидан ушбу Қонун талаблари бузилганлиги устидан судга шикоят қилиш мумкин.

13-модда. Диний ташкилотнинг фаолиятини тугатиш

Диний ташкилотнинг фаолияти у ўзини ўзи тарқатиб юборганда ёки ушбу Қонуннинг, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси бошқа қонун ҳужжатларининг қоидалари бузилган тақдирда тугатилиши мумкин. Диний ташкилот фаолиятини тугатиш тўғрисидаги қарор уни рўйхатга олган орган томонидан қабул қилинади. Ушбу қарор устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

14-модда. Диний урф-одатлар ва маросимлар

Диний ташкилотлар ибодат қилиш ёки диний расм-русумлар ўтказиш учун қулай жойлар ташкил этиш ва уларни сақлаб туриш, шунингдек, зиёратгоҳларни сақлаб туриш ҳуқуқига эгадир.

Ибодат, диний расм-русумлар ва маросимлар диний ташкилотлар жойлашган манзилдаги ибодатхоналарда ва уларга тегишли ҳудудларда, зиёратгоҳларда, қабристонларда, зарур ҳолларда фуқароларнинг ихтиёрларига биноан уларнинг уйларида ўтказилади.

Касалхоналарда, госпиталларда, кексалар ва ногиронлар уйларида, дастлабки камоқ ва жазони ўташ жойларида ибодатлар ва диний расм-русумлар шу ердаги фуқароларнинг илтимосларига биноан ўтказилади.

Диний маросим ва ибодат биноларидан ташқарида ўтказиладиган оммавий ибодатлар, диний расм-русумлар ва маросимлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг (диний ташкилотларнинг хизматидагилар бундан мустасно) жамоат жойларида ибодат либосларида юришларига йўл қўйилмайди.

Диний ташкилотлар диндорлардан мажбурий пул йиғимлари ва тўловлар ундиришга, шунингдек, уларга нисбатан шахснинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи чораларни қўллашга ҳақли эмас.

15-модда. Диний ташкилотларнинг мулки

Диний ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан сотиб олинган ёки яратилган, фуқаролар, жамоат бирлашмалари эҳсон қилган (васият қилиб қолдирган) ёхуд давлат томонидан берилган, шунингдек, чет элда жойлашган ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларда олинган, ўз фаолиятларини таъминлаш учун зарур бўлган бинолар, иморатлар, ибодат қилиш анжомлари, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва хайрия иншоотлари, пул маблағлари ва бошқа мол-мулклар уларнинг мулки бўлиши мумкин.

Диний ташкилотларнинг мулкӣ ҳуқуқлари қонун билан муҳофаза қилинади.

16-модда. Давлат мулки бўлган мол-мулкдан фойдаланиш

Диний ташкилотлар ўз эҳтиёжлари учун давлат органлари томонидан шартнома асосида бериладиган бинолар ва мол-мулкдан фойдаланишга ҳақлидир.

Тарихий ва маданий ёдгорликлар объектлари ва буюмларини диний ташкилотларга фойдаланиш учун бериш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Диний ташкилотлар учун ер ажратиш ҳамда ибодат бинолари қуриш тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг рухсати билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

17-модда. Ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти

Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари уставдаги мақсадларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ, ноширлик, ишлаб чиқариш, таъмирлаш-қурилиш,

қишлоқ хўжалик корхоналари ва бошқа корхоналарни, шунингдек, хайрия муассасаларини (етимхона, касалхоналар) таъсис этишга ҳақлидир.

18-модда. Фаолиятини тугатган диний ташкилотларнинг мол-мулкани тасарруф этиш

Диний ташкилотларнинг фаолияти тугатилгандан кейин уларга фойдаланиб туриш учун берилган мол-мулк ўз эгаларига қайтарилади.

Диний ташкилотларнинг фаолияти тугатилган тақдирда, уларга қаршли мол-мулкка эгалик қилиш уларнинг устави ва қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Кредиторларнинг талабларини қондириш учун ундириш қаратилиши мумкин бўлмаган ибодатга оид мол-мулк рўйхати диний ташкилотларнинг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ҳуқуқий ворислари бўлмаган мол-мулк давлат мулки ҳисобига ўтади.

19-модда. Диний адабиёт ва диний мақсадларга мўлжалланган буюмлар

Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари диний мақсадларга мўлжалланган буюмлар, диний адабиётлар ва диний мазмундаги бошқа ахборот материалларини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишлаб чиқаришга, экспорт ва импорт қилишга ҳамда тарқатишга ҳақлидир.

Чет элда нашр этилган диний адабиётларни олиб келиш ва тарқатиш, уларнинг мазмуни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилганидан кейин амалга оширилади.

Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари тегишли лицензия олганидан сўнг диний ибодат буюмларини ишлаб чиқариш ва тарқатиш ҳуқуқига фақат улар эга бўладилар.

Диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган матбаа нашрларини, кино-, фото-, аудио-, видео-маҳсулотларини ва шу каби бошқа маҳсулотларни тайёрлаш, сақлаш ва тарқатиш қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортишга олиб келади.

20-модда. Диний ташкилотларнинг хайрия фаолияти

Диний ташкилотлар хайрия ва меҳр-мурувват фаолиятини амалга оширишга ҳақлидир.

21-модда. Диний ташкилотларда меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар

Диний ташкилотларда меҳнат шартномалари (контрактлари) бўйича ишлаётган фуқароларга Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари татбиқ этилади.

22-модда. Диний ташкилотларнинг халқаро алоқалари

Диний ташкилотлар муқаддас жойларни зиёрат қилиш ёки бошқа диний тадбирларда иштирок этиш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ халқаро алоқалар ўрнатиш ва олиб боришга ҳақлидир.

23-модда. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган мансабдор шахслар, диний ташкилотларнинг хизматидагилар ва фуқаролар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотларнинг рўйхатга олиниши ҳақида МАЪЛУМОТНОМА (01.08.2007 йил)

N	ДИНИЙ ЙЎНАЛИШЛАРНИНГ НОМЛАНИШИ	ЖАМИ	Марказ- лар	Диний ташки- лотлар	Ўқув юртлари	Монас- тирлар
1.	Ислом	2047	2	2034	11	
2.	Рус Православ черкови	36	1	31	1	3
3.	Рим-католик черкови	5	1	4		
4.	Евангель христиан-баптистлар черкови	23	1	22		
5.	Тўлиқ инжил христианлар черкови	21	1	19	1	
6.	Еттинчи кун христиан-	10		10		

	адвентистлар черкови					
7.	Евангель-лютеранлар черкови	3		3		
8.	Новоапостоль черкови	4		4		
9.	«Иегов гувоҳлари» черкови	1		1		
10.	Арман Апостоллик черкови	1		1		
11.	«Голос Божий» христиан черкови	1		1		
12.	Корейс протестант черковлари	58		58		
13.	Яҳудийлар диний жамоалари	8		8		
14.	Баҳой диний жамоалари	6		6		
15.	Кришнани англаш жамияти	1		1		
16.	Будда ибодатхонаси	1		1		
	Библия китоб жамияти	1	1			
	Ўзбекистон бўйича	2227	7	2204	13	3

Қисқача русча-ўзбекча атамалар

Л У Ғ А Т И

1.	апостол	апостол, ҳаворий (Исонинг ўн икки шогирдидан бири)
2.	благодать	фаровон, ҳузур-ҳаловат, роҳат,
3.	благословение	дуо, фотиҳа, рағбатлантириш, розилик бериш, оқ йўл тилаш
4.	благоволение	марҳамат, илтифот, мурувват
5.	блаженство	роҳат, ҳузур-ҳаловат
6.	богомалец	художўй, такводор, ибодат қилувчи
7.	богомолье	зиёрат, ҳаж қилиш
8.	богословие	ақоид, илоҳиёт (бирор диннинг ақидалари ҳақидаги назария)
9.	богослужение	ибодат қилиш, тоат-ибодат
10.	ветхий завет	Эски Аҳд (аҳд-насихат, ўғит)
11.	вера	дин, имон, эътиқод, ишонч
12.	вероучение	диний таълимот, дин ақидалари
13.	веротерпимый	барча динга баравар қарайдиган
14.	видение	кўриш, кўзга кўринган нарса
15.	воздать	хизматига яраша мукофот бермоқ, тақдирламоқ, ажр бермоқ
16.	деяние	амаллар
17.	догма	ақида
18.	догматизм	ақидапарастлик,

19.	догматик	ақидапараст
20.	дьявол	иблис, шайтон
21.	доктрина	таълимот
22.	дар	инъом
23.	духовенство	руҳонийлар
24.	духовный	руҳий, маънавий, диний
25.	евангелие	Инжил (христианларнинг муқаддас китоби)
26.	ересь	бидъат, черков ақидаларига қарши чиққан киши, бидъатчи
27.	жертвоприношение	қурбон қилиш
28.	жертвовать	садақа қилмоқ, ҳадя бермоқ, қурбон қилмоқ, фидо қилмоқ
29.	загробный	охират, нариги дунё
30.	заповедь	дин буйруқлари, васият, насиҳат; Худонинг амри
31.	иерархический	иерархик бўйсунуш тартиби (қуйи мансабдорларнинг юқори мансабдорларга бўйсунуш тартиби)
32.	инквизиция	XIII аср бошларида католик черкови томонидан тузилган ва черков душманларини бераҳм суратда таъқиб этган суд-полиция ташкилоти
33.	искупить	гуноҳини ювмоқ
34.	искупление	гуноҳни ювиш
35.	исповедание	дин, мазҳаб
36.	исповедь	тавба, гуноҳларига тавба қилмоқ.
37.	иудей	яхудий
38.	канон	қонун, қоида; диний қоидалар, ақида
39.	культ	ибодат, диний маросим
40.	крещение	чўқинтириш, чўқиниш, христианларнинг бут ювиш диний байрами
41.	клерикализм	черковнинг таъсирини кучайтиришга уринувчи оқим
42.	курия	курия, айрим сайлов системаларида сайловчиларни табақаларига, мулкдорлигига қараб турли гуруҳларга бўлиш
43.	кофирмация	укрепление, упрочение - таинства миропомазания; эътиқодни мустаҳкамлаш мақсадида бажарилади
44.	конгломерат	конгломерат, аралаш-қуралаш, курама
45.	мессия	худо ярлақан илоҳий халоскор, худонинг вакили
46.	миссия	вазифа, элчи, вакил,
47.	мирра	мирра (Африка ва Арабистонда ўсадиган баъзи дарахтларнинг пўстлоғидан олинадиган хушбўй смола)
48.	миропомазание	чўқинтиришдан сўнг бажариладиган 2 - «таинства» - хушбўй мой суртиш маросими
49.	монотеизм	яккахудолик
50.	монархический	монархияга асосланган (ҳокимият бир киши қўлида бўлади)
51.	монашество	монахлик, роҳиблик
52.	мощи	қотиб қолган мурда (қурук ерда чиримасдан қотиб қолган мурда, черков уларни «авлиё» ҳисоблайди)
53.	нечисть	жин, ажина, алвасти ва шу кабилар
54.	нимб	нимб (диний суратларда - бутларда, санамларда - бош атрофида ёғдунинг тасвири)
55.	Новый Завет	Янги Аҳд (аҳд-насиҳат, ўғит)
56.	обет	назр, ният, ваъда, аҳд
57.	обедня	Христианларнинг эрталаб ёки пешин чоғи черковда қиладиган ибодати

58.	обрядность	урф-одат, маросим, удум, ирим-сирим
59.	обольстить	йўлдан оздирмоқ, йўлдан чиқармоқ, васваса қилмоқ
60.	освятить	муқаддаслаштирмоқ, улуғламоқ
61.	описать	тасвирламоқ, таърифламоқ, изоҳламоқ, баён этмоқ
62.	откровение	ҳақиқат, янгилик
63.	отлучение	диндан қайтган деб ҳисоблаш, ҳайдаш, қувиш
64.	пасха	христиан ва яҳудийларнинг диний байрами; шу байрамга атаб сузмадан қилинадиган таом
65.	плоть	тана, жисм, бадан
66.	помазанник	подшоликни қабул қилиб, пешонасига мой сурилган одам
67.	покаяние	тавба, афсус, қилган гуноҳларига иқроп бўлиб тавба қилиш
68.	пост	рўза
69.	поститься	рўза тутмоқ
70.	посвящение	таништириш, маълум қилиш, бағишлов, ном бериш, унвон бериш
71.	праведник	тақводор
72.	предание	нақл, ривоят
73.	прерогатива	айрим ҳуқуқ, имтиёз
74.	приход	қавм (бирон черков қавми турган маҳалла)
75.	приверженец	тарафдор, эргашувчи, мухлис, мурид, ихлосманд
76.	проповедь	ваъз, хутба, тарғиб қилиш, панд, насиҳат
77.	проповедник	воиз, ваъзчи, даъватчи
78.	провидение	илоҳий тақдир
79.	пророчество	пайғамбарлик, олдиндан кўриш, башорат қилиш
80.	распятие	оёқ кўлидан миҳлаб қўйиш; оёқ кўлидан миҳлаб қўйилган Исо сурати солинган бут
81.	реформация	XVI асрда Ғарбий Европада феодал тузумга қарши олиб борилган ижтимоий-сиёсий ҳаракат; бу ҳаракат феодализм таянчи бўлмиш католик черкови ва папа ҳокимиятига қарши диний кураш шаклини олган эди
82.	ритуал	диний маросимлар, урф-одат, маросим
83.	рок	тақдир, қисмат
84.	рождество	христианларда Исо туғилган кун муносабати билан бўладиган диний байрам
85.	а) рукоположение	избрать на должность
86.	б) рукоположение	это возложение рук на посвящаемого в знак передачи духовного дара
87.	сатана	шайтон, иблис, жин
88.	священник	поп, кашиш
89.	секта	секта, мазҳаб, тариқат
90.	сектант	бирор мазҳаб кишиси,
91.	сектантство	мазҳабчилик, бирор мазҳабдаги кишилар
92.	следование	амал қилиш, риоя қилиш, эргашиш
93.	сословие	табақа
94.	спиритуализм	спиритуализм (материянинг реаллигини инкор этиб, руҳни реалъ деб билган филозофик оқим)
95.	трапеза	овқат, таом, овқат ейиш, овқатланиш
96.	толерантность (терпимость)	чидам билан қарашлик, беғараз бўлишлик, бағрикенглик
97.	транс	гипноз вақтида асабларнинг жуда кўзғаб кетиши, миянинг

		караҳт бўлиши
98.	царство небесное	илоҳий олам (тахминий)
99.	целибат	католик руҳонийларида уйланмаслик
100.	чистилище	аъроф, яъни жаннат ва дўзах оралиғида покланиш ўрни
101.	экзальтация	қаттиқ ҳаяжон

Баъзи диний атамаларнинг қисқача изоҳли

Л У Ғ А Т И

1.	ажр	Қуръонга кўра, одамлар бу дунёдаги яхши ишлари учун охирагда ажрини топади, яъни насиб этган мўмин-мусулмонларга савобли ишлари эвазига турли мақом ва мартабалар, нозу неъматлар берилади (араб. – тўланадиган ҳақ, мукофот).
2.	азон	намозга чақириш (араб. азана – билдириш, эълон қилиш; синоними нидо чиқариш).
3.	Азроил	ислом динида тўрт бош фариштадан бири (Жаброил, Микоил ва Исрофил билан бирга), жон олувчи фаришта.
4.	амри маъруф	ислом динидаги маросим (араб. тўлиқ шакли «амри маъруф, наҳий мункар» - «яхшиликка буюриш, ёмонликдан қайтариш»).
5.	ашуро	1) Муҳаммад (с.а.в.) Мадинага кўчиб ўтганларидан сўнг дастлабки пайтда, муҳаррам ойининг 10-кунида тутилган рўза (араб. – ўн кунлик). 2) шиаларда халифа Алининг ўғли Ҳусайннинг Карбало ёнидаги жангда ҳалок бўлганлиги хотирасига бағишлаб муҳаррам ойининг дастлабки ўн кунлигида ўтказиладиган мотам маросимлари.
6.	аъроф	ислом манбаларида, хусусан, Қуръонда таърифланган жаннат билан дўзах ўртасидаги баландлик жой – девортўсиқ. Ўзбек тилида аъроф ўрнида одатда аросат истилоҳи ишлатилади.
7.	ақида	балоғатга етган киши эътиқод қилиши, имон келтириши, ислом динининг заруратлари шаклида тасдиқ қилиши, қалбига маҳкам боғлаб олиб ундан ажралиши мумкин бўлмаган шаръий эътиқодий ҳукмлар (араб. «ақд» - бир нарсани иккинчисига маҳкам боғлаш; кўпликда - ақоид).
8.	ақиқа	мусулмон оилаларида янги туғилган болага исм қўйиш ва «қорин сочи» (боланинг туғилгандаги сочи)га қайчи уриш билан боғлиқ одат (араб. – «чақалоқ сочини олиш, қурбонлик сўйиш»).
9.	аҳл ул-китоб	ислом ақидасига кўра, мусулмонлардан олдин илоҳий китобга (Таврот, Забур, Инжил) эга бўлган умматлар (араб. – китоб аҳли).
10.	Библия	христианликда муқаддас ҳисобланган диний китоблар ва рисоалар мажмуаси (юн. - китоблар).
11.	бут	худони тасвирлайдиган ва унинг тимсоли деб сиғиниладиган моддий буюм (кўпинча худоларнинг тош, ёғоч, сопол ва бошқа нарсалардан ясалган ҳайкалчалари, расмлари, тасвирлари ва б.).
12.	бидъат	номаъқул янгилик; дин ақидаларига хилоф янгилик (араб. – янгилик киритмоқ, янгитдан яратмоқ).
13.	баҳойлик	диний-сиёсий оқим. XIX а. ўрталарида Эрондаги бобийлик ҳаракатининг давоми сифатида вужудга келган. Асосчиси Баҳоулло. Унинг фикрича, мавжуд динларни йўқотишнинг ҳожати йўқ, уларни қандайдир бир нуқсонсиз таълимот асосида бирлаштириш лозим. Аслида ҳамма динлар яхши, фақат уларни ортиқча ақида ва урф-одатлардан тозалаш керак. Муҳими – Худони севиш керак, чунки муҳаббат – тараққиётнинг шарт ва қоинот қонунидир.
14.	вақф	мусулмон мамлакатларида давлат ёки айрим шахслар томонидан диний эҳтиёж ёки хайрия ишлари учун ажратилган мол-мулк.

15.	вахий	диний эътиқодга кўра, Аллоҳ таолонинг ўз пайғамбарларига фаришталар оркали юборган буйруқ ёки кўрсатмалари.
16.	виждон эркинлиги	ижтимоий-фалсафий тушунча; ҳар кимнинг ўз эътиқодига кўра, мазкур жамиятда мавжуд ижтимоий меъёрларни бузмаган ҳолда виждони буюргани бўйича яшаш, ишлаш имконияти.
17.	вожиб	исломда бажарилиши зарур бўлган амал тури (араб. – мажбурият, бурч).
18.	гуноҳ	шариат қонунларига ва диний ақидаларга хилоф иш ёки ҳаракат (форс. – жиноят, айб; асли шу маънодаги араб. «жуноҳ» сўзидан олинган).
19.	дажжол	ислом динига кўра, киёмат олдидан пайдо бўладиган ва диндорларни худо кўрсатган тўғри йўлдан оздирадиган бир кўзли одамсимон махлук.
20.	диний жамоа	диний ташкилотларнинг бошланғич, асосий ва энг оммавий тури.
21.	диний маросимлар	фуқароларнинг диний таълимотлардан, уларнинг қонун-қоидалари ва ақидаларидан келиб чиқадиган диний фаолият ва хатти-ҳаракатлари.
22.	диний ташкилот	диний эҳтиёжларни биргаликда қондириш ёки қондиришга кўмаклашиш мақсадида тузиладиган ва диний маросимларни адо этиш асосида иш кўрадиган ихтиёрий, тенг ҳуқуқли ва ўз-ўзини бошқарувчи уюшма.
23.	дўзах	дин талабларини бажармаган гуноҳкорлар охиратда жазоланадиган жой (форсча; арабча – нор, жаҳаннам, жаҳим, сақар; ўзбекча – тамуғ).
24.	Жаброил	исломда тўрт бош фариштадан бири. Аллоҳ амрларини пайғамбарларга етказиб, ваҳий келтирувчи (хабар берувчи), самовий офатларни ер юзида ижро қилувчи фаришта.
25.	жаннат	дақводор диндорлар нариги дунёда роҳат ва фароғатда яшайдиган жой.
26.	жизя	дастлаб араб халифалигида, кейинчалик бошқа мусулмон давлатларида мусулмон бўлмаган фуқаролардан олинган жон солиғи. Жизя балоғатга етганларга солинган (қариялар).
27.	жоиз	ижозат берилган, йўл берилган.
28.	закот	мол-мулк ва даромаддан бериладиган садақа, хайр-эҳсон.
29.	зикр	тасаввуфда худони ёдга олиш билан боғлиқ маросим.
30.	зиммий	ислом давлати соясида яшайдиган ғайридинлар.
31.	зоҳид	таркидунё қилган киши.
32.	ижмоъ	муҳокама этиладиган масала юзасидан мужтаҳидларнинг бир фикрга келишуви; фикҳ манбаларидан бири.
33.	Исрофил	исломда тўрт бош фариштадан бири, киёмат куни даракчиси.
34.	истиғфор	Аллоҳдан гуноҳни кечиришни, афв этишни сўраш.
35.	макруҳ	шариат ҳукмларидан бири (араб. – рад этилган, қораланган, номақбул). Қатъиян тақиқ қилинмаган, лекин номақбул ҳисобланган рад этилган амаллар.
36.	Микоил	исломда тўрт бош фариштадан бири. Диний анъанада коинотни моддий таъминловчи фаришта ҳисобланади.
37.	мубоҳ	шариат тушунчаларидан бири. Унга кўра, қилиш ва қилмаслик баробар бўлган амал. Уни қилган кишига ҳам, қилмаган кишига ҳам савоб ҳам, гуноҳ ҳам йўқдир.
38.	насх	Қуръон оятларидан айримларининг қироати ва ёзувини ўзгаришсиз сақлаган ҳолда, уларни фақат амалдан қолдириш, татбиқ этмаслик.

		Шу каби оят «мансух», уни бекор қилувчи оят «носих» деб аталади.
39.	омин	ислом, яҳудий ва масиҳий динларида диндорлар ўртасида «қабул этсин», «ижобат бўлсин» маъносида ишлатиладиган сўз.
40.	рибо	пулга фойда (фоиз) олиш – судхўрлик.
41.	ушр	мусулмон мамлакатларида натура шаклида (баъзан пул б-н) давлат фойдасига, баъзан камбағал, етим-есирлар ҳисобига ундирилган солиқ (араб. – ўндан бир).

Элдор ИБРАГИМОВ

Жаҳон динлари тарихи

мутахассислик фани бўйича
ўқув-услубий қўлланма

«Тошкент ислом университети»
нашриёт-матбаа бирлашмаси
Тошкент-2007

Мухаррир Б. Эралиев
Бадий муҳаррир М. Аслонов
Техник муҳаррир Н. Сорокина
Саҳифаловчи С.Жўраева

Босишга рухсат этилди 05.10.2007. Бичими 60x84. Ризограф босма.
Шартли б.т. 2,6. Адади 100 дона. Буюртма № 100.

«Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси
босмаҳонасида чоп этилди.
700011, Тошкент, А.Қодирий кўчаси, 11-уй.